

Ф.О. ИСМАТУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИГИ

Франция – бой тарихий ва маданий меросга ҳамда юқори демократик анъаналарга эга бўлган дунёнинг етакчи давлатларидан бири. Халқларимизни боғлаб турган дўстлик ришталари эса узоқ тарихга эга бўлиб, илк муносабатлар Ўзбекистон худудидан ўтган Буюк ипак йўли карвонларининг Европа бўйлаб қатнай бошлаган даврларга боғлиқ тақалади¹. Ўрта асрларнинг буюк ҳукмдорлари – Амир Темур ва Карл VI дипломатик алоқалар ўрнатганлар ҳамда ўзаро мактублар ва савдо карвонлари алмашганлар². Зеро, Амир Темур айтиб ўтганидек, савдо-сотик халқлар фаровонлигини юксалтириш ва ўзаро алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади³. Буюк бобокалонимизнинг ўз даврида жаранглаган ушбу сўзлари бугунги кунда ҳам долзарбдир.

Бундай тарихий алоқадорлик анъанаси ҳозирги кунда ўзбек-француз муносабатларида намоён бўлиб алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буни амалий ифодаси сифатида 2018 йил 8 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу ташриф чорак асрда эришилган муваффақиятларни сарҳисоб қилиш ва ўз навбатида сиёсий мулоқотларни мустаҳкамлаш, маданий ва иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштириш сари дадил қадам бўлиб, ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очди⁴.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Европа Иттифоқи мамлакатлари етакчи ўрин эгаллар экан, ўз навбатида, Республика ушбу ташкилотга аъзо давлатлар билан кўп томонлама ўзаро муносабатларни йўлга қўйилишига катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқининг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Франция, Германия, Италия, Буюк Британия ва Испания каби мамлакатлари билан иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда⁵.

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи мамлакатлари би-

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. фонд. М-2., рўйхат. 172, саҳифа.13.

² Ўзбекистон – Франция: ҳамкорликни кенгайтириш йўлида // Халқ сўзи. 2018 йил 6 октябрь.

³ Парламентларо алоқалар янада мустаҳкамланади // Халқ сўзи. 2018 йил 9 октябрь.

⁴ Ўзбекистон – Франция: ҳамкорликни кенгайтириш йўлида // Халқ сўзи. 2018 йил 6 октябрь.

⁵ Х. Хидиров. Ўзбекистон ташқи сиёсати: сиёсий модернизация ва интеграция // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2007. – № 1. – Б. 21–22; Касымова Н. А., Жўраев С. А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Ташкент: Академия, МИД РУз 2008. – С. 233; // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. <http://www.mfa.uz>.

лан ўзаро ҳамкорлигига эътибор қаратиб, ушбу ташкилот асосчиларидан бири бўлган Франция билан ўзаро алоқаларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда француз инвесторлари иштирокидаги корхоналар 16 тани ташкил этади. Улар сон жиҳатидан кам бўлсада, барчаси кўп йиллардан буён мамлакатимиз иқтисодий ёнининг муҳим секторларида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Масалан, «Sanofi» француз компанияси республикада 20 йиллик иш тажрибасига эга. Ўтган давр мобайнида у ишончли ҳамкор сифатида танилди. Компаниянинг дори воситалари анча машҳур ва ўзбек шифокорлари ҳамда беморларининг эътирофига сазовор бўлди⁶.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ташриф давомида Франциянинг энг йирик компаниялари раҳбарлари билан ҳам учрашди. Унда «Тоталь», «Тоталь Эрен», «Орано», «Фивс Штейн», «Ранжис Семаррис», «Винчи», «Суэц», «Сад», «Идемия», «Мерсие», «Талес Алания Спейс», Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби Европа ва жаҳон бозорида етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди. Франциялик тадбиркорлар ушбу учрашувда ўзлари учун зарурий масалаларга жавоб олишди ва Ўзбекистонга қизиқишлари янада ортди. Буни ташриф арафасида умумий қиймати 5 миллиард еврога яқин инвестиция лойиҳалари бўйича келишувлар имзоланганлигида ҳам кўриш мумкин⁷.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларида Франция инвестицияси асосида бунёд этилган фирма ва компаниялар асосий ўрин эгаллайди. Чунки, жаҳон мамлакатлари рўйхатида ўзининг сифатли халқаро андозадаги маҳсулотлари билан донг тартган (айниқса, банк иши, телекоммуникация, фармацевтика, парфюмерия ва бошқа соҳалар)⁸ ушбу мамлакат билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳар жиҳатдан фойдалидир. Улардан «Текнип», «Делепланк», «Рон Пуленк Агрошими», «Копако», «Софинфра», «Эрбюс», «Кложнер Ина», «Томсон», «Сикло» каби қатор компания ва фирмалар фаолият юритиб, савдо-сотиқни кенгайтириш, саноат ва қишлоқ хўжалик иншоотларини ишга тушириш, технология алмашувини амалга ошириш, транспорт йўлларини очиш, алоқа воситаларини кучайтириш сингари соҳаларнинг ривожига муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. «Ўзозиковқатсаноат» давлат акционерлик концерни «Сюкден Керри» фирмаси билан Тошкент ва Самарқанд вилоятларида қанд лавлаги етиштириш ҳамда шакар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, Франция Ўзбекистондан пахта толаси ва минерал ўғитлар олиб, мамлакатимизга гербицидлар ва жун ювиш машиналарини етказиб бермоқда.

«Қорақалпоқ қурилиш материаллари» акциядорлик бирлашмаси «Педрини» фирмасидан мрамор тахтачалар ишлаб чиқариш линияларини, «Равели» фирмасидан табиий тошдан буюмлар ишлаб чиқариш технология линияларини сотиб олди. Бундан ташқари, Франция

⁶ Иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш йўлида // Халқ сўзи. 2018 9 октябрь.

⁷ Ўзбекистон – Франция муносабатларида янги давр бошланмоқда // Халқ сўзи.

2018 9 октябрь.

⁸ I'm going to France. Centre National des CEuvres Universitaires et Scolaires // Paris, 2007. – P. 33–34.

билан ҳамкорликда Наманган шаҳрида «Миришкор» ишлаб чиқариш корхонаси пахта чигитини қайта ишлаш билан шуғулланиб келмоқда. Шунингдек, юз фоиз француз капитали ҳисобига қурилган «Кофра» корхонаси мана бир неча йилдирки Қўқон шаҳрида сифатли оёқ кийимлар ишлаб чиқариб, улар маҳаллий бозорда ўз ўрнига эга. Бундан ташқари, корхона ўз маҳсулотларини экспорт қилиш билан ҳам шуғулланиб келмоқда⁹.

Икки томонлама иқтисодий муносабатларга назар ташланса, ўзаро алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бораётганлигини кузатиш ўринлидир. Мисол сифатида товар айрибошлаш ҳажми кўрсаткичларини келтириш мумкин. Бу борадаги кўрсаткич 1995 йилда 16 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йили у 172 млн. АҚШ долларидан ошди¹⁰. Йилдан-йилга иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бориши натижасида 2007 йилга келиб, икки томонлама савдо айланмаси 321,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди¹¹.

Аммо маълум оралиқ муддатда икки томонлама савдо-сотиқ алоқаларига жаҳон иқтисодий инқирози таъсири сезилиб, ўзаро товар айланма миқдори пасайганлиги кўринди. Бироқ кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ушбу йўналишда ҳам ривожланишларга йўл очмоқда. Жумладан, 2017 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айрибошлаш ҳажми 251,6 миллион доллар¹², 2018 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра эса, товар айрибошлаш ҳажми 146, 2 миллион долларни ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 фоиз кўп демакдир¹³.

Бундан ташқари, 2001 йилдан буён Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича ўзбек-француз ҳукуматлараро комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг июль ойида Францияда ўтказилган комиссиянинг еттинчи йиғилиши якунларига кўра, ўзбек маҳсулотларини «кўҳна қитъа» нинг ушбу давлатига тўғридан – тўғри етказишни мақсадли равишда ташкил этиш учун Францияда илк бор Ўзбекистон савдо уйи очилди¹⁴.

Француз компаниялари ўзбек шериклари билан ҳамкорлик қилишга амалий қизиқиш билдираётгани диққатга сазовордир. Хусусан, 2017 йили «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» ўзбек – француз қўшма корхонасини барпо этиш бўйича лойиҳа ижросига киришилди¹⁵. Агар ушбу корхона ишга тушса йилига ўн олти мингта «Пикап» автомобилларини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Қолаверса, янги иш ўринларини яратилиши, аҳолимизни турмуш тарзини юксалтиришга

⁹ МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекско-французские отношения. Сотрудничество в торгово-экономической сфере. <http://www.mfa.uz>.

¹⁰ М. Кристиан. Ўзбекистон эришган ютуқлар бизни лол қолдирди // Ўзбекистон овози. 1999 13 февраль.

¹¹ МИД РУз // Политика Узбекистана по развитию международного торгово-экономического сотрудничества. <http://www.mfa.uz>.

¹² Ўзаро муносабатларда янги саҳифа // Халқ сўзи. 2018 9 октябрь.

¹³ Ҳамкорликнинг стратегик истиқболлари // Халқ сўзи. 2018 9 октябрь.

¹⁴ Ўша мавзу. Халқ сўзи. 2018 11 октябрь.

¹⁵ Ўша газета.

хизмат қилади.

1999 йил 1 июлидан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга биноан икки мамлакат ўртасида яқин муносабатлар учун энг қулай муҳит қарор топди. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг хо-рижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган саъй-ҳаракати билан Франция мамлакатимизнинг нефть-газ соҳасига киришга муваффақ бўлди. 1994-1996 йилларда Ўзбекистон импорт маҳсулотларининг илгариги таркиби ўзгартирилиб асбоб-ускуналарни олишга йўналти-рилади. Томпсон компанияси билан ҳаво назорати тизимини модерни-зация қилиш ва Текнип компанияси билан Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводини қуриш бўйича шартномалар тузди.

2011 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-маси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази «IDEMIA» (ав-валги «Oberthur Technologies») компанияси билан республикада биометрик паспорт тизимини жорий этиш бўйича ҳамкорликда ишла-моқда. Ушбу инновацион ҳамкорлик доирасида Республика фуқаро-лари учун биометрик паспортлар тайёрланяпти¹⁶.

Дунёга замонавий фуқаро авиацияси лайнерларини етказиб бе-рувчи энг муҳим компанияларидан бири, жаҳон авиасаноатининг етакчиларидан саналган «Airbus» билан ҳамкорлик мамлакатимиз-нинг Франция билан муваффақиятли алоқаларининг яна бир наму-наси бўла олади. Бугунга келиб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК авиапаркидаги «Airbus A320-200» самолётлари сони 10 тага етди¹⁷. Ушбу мисоллар, албатта, халқимизда катта ишонч уйғотади. Юрти-мизда туб ва самарали ислоҳотлар амалга оширилар экан, бу каби кўшма лойиҳалар мос равишда кўпайиб боришга умид боғлайди.

Айни дамда кенг миқёсдаги янгиланишлар жараёнида Франция Республикаси ҳукумати томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган мо-лиявий ва техник кўмакни қайд этиб ўтиш лозим. 2016 йил 8 декабр-да имзоланган келишув асосида таъсис этилиб, фаолият бошлаган Франция ривожланиш агентлиги «ФРА» мазкур йўналишдаги ҳамоҳанг ҳаракатларга хизмат қилмоқда¹⁸.

«ФРА» билан ҳамкорликда «яшил ва инклюзив ўсиш»ни таъмин-лаш, айниқса, шаҳар ва қишлоқ жойларини тараққий эттириш, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда барқарор энергетикани ривожлантиришга қаратилган истиқболли ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни рўёбга чиқа-риш режалаштирилган. «Самарқанд шаҳрида қаттиқ маиший чиқин-диларни бошқаришни модернизация қилиш» лойиҳаси олиб борил-япти¹⁹.

Ўзбекистон ва Франция томонлари сайёҳлик соҳасида ўзаро ман-фаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳам катта салоҳиятга эга-дир. Ҳозирнинг ўзидаёқ юртимизга Европадан ташриф буюраётган сайёҳлар орасида сон жиҳатдан француз фуқаролари биринчи ўрин-га чиққани эътиборга молик. Агар юртимизда франциялик сайёҳлар-ни кўпайиш динамикасига доир мисолларга эътибор қаратсак, 2016

¹⁶ Иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш йўлида // Халқ сўзи. 2018 9 октябрь.

¹⁷ Уша жойда.

¹⁸ Уша жойда.

¹⁹ Уша жойда.

йилдан 2017 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони 4,8 мингдан 5,7 минг кишига, 2018 йилнинг 8 ойида эса бу кўрсаткич 9,1 минг нафарга етганлигига гувоҳ бўламиз²⁰.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 4 октябрдаги тегишли фармонида мувофиқ, бир нечта Европа ва Осиё давлатлари, жумладан Франция Республикаси фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига визасиз кириш тартиби жорий этилган. Бунинг натижасида эса Европанинг мазкур мамлакатидан келаётган сайёҳлар сони яқин истиқболда ҳам рекорд даражага етиши кутилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, эркин туристик худудлар (кластерлар) ташкил этиш, Ўзбекистон бўйлаб янги меҳмонхона мажмуаларини бунёд этиш ва мавжудларини эса таъмирлаш қилиш сингари йўналишлардаги қўшма лойиҳалар соҳада катта истиқболга эга.

Хулоса шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ҳамда Франция ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни мустақамлаш ҳамда ривожлантириш учун пухта ҳуқуқий ва амалий асос мавжуд. Ташриф доирасида имзоланган шартнома ва келишувлар истиқболда икки мамлакат алоқаларини янги сифат босқичига кўтарилишига хизмат қилиб, йирик инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш, мамлакатимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш имкониятини яратади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикаси билан савдо ва инвестициявий ҳамкорлигининг ривожланиш жараёнлари таҳлил этилган.

Ушбу алоқалар айниқса савдо агентликлари, банк иши, фармацевтика, авиасаноат ва туризм йўналишларида ривожланиб бораётганлиги далиллар асосида ёритиб берилган.

В статье анализируются процессы развития торгово-инвестиционного сотрудничества Республики Узбекистан с Французской Республикой.

Эти контакты были выделены на основе свидетельств того, что они развиваются особенно в таких областях, как торговые агентства, банковское дело, фармацевтика, авиапромышленность и туризм.

The article analyzes the processes of development of trade and investment cooperation of the Republic of Uzbekistan with the French Republic. These contacts have been highlighted on the basis of evidence that they are developing especially in the areas of trade agencies, banking, pharmaceutical, aircraft industry and tourism.

²⁰ Ҳамкорликнинг стратегик истиқболлари // Халқ сўзи. 2018 9 октябрь.

МУНДАРИЖА

Долзарб мавзу

С.С. Гуломов. Рақамли трансформацияда мия капиталининг роли.....	3
--	---

Илмий мақолалар

А.С. Турсунов. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги ислохотлар, уларнинг натижалари ва истиқболи.....	13
Б.Т. Тўйчиев. Қадимги юнон фалсафаси икки мутафаккирининг ўзаро муносабатлари ҳақида.....	18
Н. Назаров. Этноижтимоий жараёнлар ривожида полиэтник социумнинг ўрни.....	25
Ё.З. Нуриддинов. Замонавий глобаллашган жараёнларда позитив ва негатив оқибатлар.....	35
Д. Мамажонов. Мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти.....	41
У.Ю. Идиоров. Ўзбекистон: демократия ғоялари ва қадриятларини ривожлантиришнинг замонавий стратегик йўналишлари.....	48
Д. Сайфуллаев. Янги Ўзбекистон маданий дипломатиясининг минтақавий жиҳатлари.....	58

Илмий ахборот

Ф.Исматуллаев. Ўзбекистон – Франция ҳамкорлиги.....	65
У. Утанова, Ю. Нарзиева. Музейлар фаолиятида реклама ишини ривожлантириш босқичлари.....	70
Т. Пардаев. Жанубий Ўзбекистонда анъанавий ҳунармандчиликнинг аҳволи (XX асрнинг иккинчи ярми).....	76
А. Ҳайдаров. Миллий маданиятнинг юксалиш асоси.....	79

Тарих

Б.Абдуҳалимов, К. Сағдуллаев. Ўзбекистон олимларининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки.....	83
Н. Турсунов. Жанубий Ўзбекистон тоғчилари этник тарихидан.....	99
О.А. Остонов. XIX асрнинг охири XX аср бошларида Зарафшон воҳаси ҳунармандчилиги тараққиётидаги ўзгаришлар.....	105

Тарихшунослик

А.Т. Собиров. «Oral history» тарихшунослиги (инглиз тиллари адабиётлари материаллари асосида).....	112
--	-----